

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай

Ислом КАРИМОВ:

Агар бу зотни авлиё десак, у - авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак - мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак - шоирларнинг султони.

— Иброҳим ака, Алишер Навоий халқимиз маънавияти ва адабиётини қушдек ёритиб турувчи даҳо зодр. Унинг ҳар сатри «ўтлуғ кўнгли»дан сачраган бир чўғ. Беш ярим аср олдин ёзилган фикрлари гўё ҳозир айтилгандек долзарб, юракка яқин, самимийлиги билан қалбимизни мавжлантиса, манткий мушоҳадалари руҳимизни қувватлантиради. Шу боис Навоийни англаш ўзлимизни англаш билан баробар. Кўпчилигимиз дунёдаги барча одамлар каби ўзимиздан эмас, бошқалардан нур излаб яшаймиз. Бу хатти-ҳаракатимиз билан эса нурдан узоклашиб бо-

*Кўнглимни гапу дард ила қон айлади ишқ,
Кўз йўлидин ул қонни равон айлади ишқ,
Ҳар қатрани билмадим қаён айлади ишқ,
Бедил эканин бўйла аён айлади ишқ.*

раверамиз. Навоий биз учун аша шундай нур манбаи. Муқталик маънавиятимиз осмонни қора булутлардан тозалаб, мутафаккир бобомиз меросини миллат фахр-ифтихори сифатида ўзимизга қайтариб берди. Ана шу буюк меросни ўрганишга эса давлат мижрасида аҳамият берилмапти. Аинқиса, шоирнинг «Эл нешиб толгай мениким, мен ўзимни топмасам...» деган ўлмас фикрлари муқталик юрт фуқаролари учун дастуриламал бўлмоқда. Менимча, Навоийнинг улуглигини унинг бетакорр шахсиятидан излаш керак. Сухбатимизни шоирнинг қомиллик тимсолига айланган беназир шахсиятидан бошласак.

Бадий ижод оламида нима кўп - сир кўп, жумбоқ кўп. Масалан, кимгадир Оллоҳ истеъдод беради-ю, уни нега журъат ва ҳасоратдан қисади - бу осон изоҳланмас бир сир. Кечагина китоблари кўзга суртиб ўқиладиган ёзувчи ёки шоирдан кўпчилик нечун бирданига кўлни ювиб, кўлтиққа уради - бу ҳам бир жумбоқ. Инсоний кийёфа билан ижодий кийёфанинг номувофикалиги сабаб нима - бу ҳам баҳс юритишга арзирли муаммо ва ҳоказо. Бир нуқтаи назарга кўра, катта адабиётни фақат катта талантлар яратади. Бошқа бир қараш буйича эса, катта адабиёт яратилган - бу йирек Шахсарнинг кўлидан келадиган ишқидир, талант хар қанча улкан ва ёрқин бўлмасин, мўрт ва қучси ижодий шахсият узокқа боролмайди. Чунончи, у тез фурсатда ҳаётнинг турли кўчаларига буррилиб, суррилиб, охири ўртаимачилар «дарғаси»га айланади. Анчқи ва ёқимси туюлса-да, шу гап тўғри. Чунки хоҳланг, хоҳланмаг, истеъдод табиатида ўзига бини қўйиш, «биринчи»ликка интилиш ва имтиёпарастлик бўлади. Шахс бундай қилолмайди. У эришганидан осон кечади, кечганидан ортинги тез топади. Лекин нима топмасин ва нимани кўлга киритмасин, барини ҳақиқат истикболига бағишлайди. Бўлмаса, у маънан тўхтабди. Ҳеч бировага насиб қилмаган ички гаройиботлардан ажрალიб, ҳамма қатори бир бандага айланади. Навоий рубоийларидан бирида ёзади:

*Ким бўлса бу мотамқададек олам аро,
Сайр айласа гамириштилик одам аро,
Гар одам эрур бўлса керакдур гам аро
Оламда эса, бўлса керак мотам аро.*

«Мотамқададек олам» - қайғули, мотамхонага монанд олам. Бунда нафас олиши, сайр этишини ўзи азоб. Лекин бу камлик қилганидек, шоир ўқувчини «ғамсиришт» - ғам-алам қувчи, ғуссақашлар орасига киришга давват этмоқда. Сабаб нима? Одам билан ғам - эгизак тушунча: Гар одам эрур бўлса керакдур гам аро.

Одамни оламга боғлайдиган «робита» эса мотамдир: «Оламда эса, бўлса керак мотам аро». Бу гап, бу қўрсатма кишини эзиб, қувончларини сўлдириб ташламайди? Йўқ! Аксарият холларда дунёнинг бақосиз шодлик ва қувончлари маънавий-руҳий интилишларини сусайтириб, фикр-ҳаракатларини тўхтабди. Ҳам, ҳасрат, қайғу эса илгарига, яъни шодликка интилиш, одамларни олам мусибати ва мотамларидан халос айлаш учун моҳиятда фаоллашушни талаб қилади. Шу боисдан Навоийнинг буюк қудратли Шахси ғам-алам денгизи ғаввосини эслади. Шунинг учун бошқалар қайғу, ҳасрат қўлида янчилиб, тушқунлик, ноумидликка өм бўлиб кетмаслигини кўзлаб шоир:

*Кўнгул ичра ҳам камлиги асру гамдур,
Алам йўқлиги доғи қаттиқ аламдур,
— дейди. Биз Навоий шахсининг*

тебранмас асосларини билишни хоҳласак, ишни ана шундай байтлар тадқиқидан бошламоғимиз зарур: *Хуш ул дардим юзланур лаҳза-лаҳза, Хуш ул гамким хотир аро дам-бадамдур.*

«Лаҳза-лаҳза» юзланиб турган шу дард, «дам-бадам» янгилини борган гапу андух Навоий Шахсини замон ва жамятининг ахлоқий, маънавий, руҳоний, маданий «барометри» даражасига олиб чиққан.

— Тўғри айтдингиз, улуг санъаткорларнинг кўнгли дунёвий ва ҳаётий ҳақиқатлар кўзгуси. Унда инсоний гўзал туйғулар билан бирга давр нафаси ҳам акс этиб туради. Буюк Навоийнинг кўнгли эса самимият уммонига ўхшайди. Унга яқинлашганинг сайн инсонийлигининг нақадар улуг рутба эканлигини англаб етасан ва дунёга кўнгли кўзи билан қарай бошлайсан. Навоий «Ҳайрат ул аброр» дostonида алоҳида тасвирлаган кўнгли нима ўзи? Юракми, қалбми ёки Яратганнинг инсонга иноятими?

— Озарбайжон халқининг буюк шоири Насимий бир шеърда: *Арши раҳмон деди наби кўнгулга, Чунки кўрди кўнгулда жондир сўз,* дейди. Шарқ шоирларининг кўнгулга умумий қарашлари ва берган баҳолари ана шундай баланд. Агар уларнинг кўнгул таърифи тавсифларига бағишланган шеърлари бир жойга жамланса, олам ва одамнинг барча нозик сир-асрори

«ЎЗ ВУЖУДИНГА ТАФАККУР АЙЛАГИЛ...»

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим mudiri, филология фанлари доктори Иброҳим ҲАҚҚУЛ билан мулоқот

кўнгулда-ю, шоирлик шуларни сўз билан ифодалаш экан-да, деган хулосага келиниши шубҳасиздир. Дарҳақиқат, кўнгул - маънавий ҳаётнинг бош манбаи, руҳоний ойнаси. Кўнгул завқи ҳамма завқ-шавқдан юксак туради. Унинг дарди, армони, ҳасби холи ўзгачадир. Кўнгулга чап бериш - қисматга, ростликка чап бериш демак. Кўнгул сайри дунёдаги сайри савҳатнинг энг маънавий ва гўзали эрур. Инсон чини билан ўз кўнглини тушуна билса, одамийлик шарафини ҳам, парчаланмас илоҳий моҳиятини ҳам жуда яхши англайди. Дунёнинг керакдиз шовқинлари, зарарли ва захарли товушларидан ўзимни асрайман деган киши, албатта, кўнгул овозини тинглай олиши керак. Кўнгул измди, юриш - хосиятли ва покиза қадам мана шу. Лекин бу қийин ҳаракат. Утмишда яшаб, ижод этган буюк шоирларнинг нола-ю фignonларини эшитинг - чор тарафдан худди кўнгул фарёди, кўнгул ҳайқирқиқлари тинглангандай бўласиз.

Шоир руҳи қачон сулади? Кўнгул қуввати ва ёқини сулганда. Навоийнинг ўз шеърлари «ўтлуғ кўнгулдан» тугилганини таъкидлаш бежиз эмас. Бир таснифга кўра, илм аҳли қадимда уч тоифага ажратилган: «Ҳамийнинг қайд этишлари буйича, кейинги гуруҳга мансуб олимларнинг сони хар асрда тўрт-бешга етса ҳам катта гап экан. Тил орқали англаш - хол ва кўнгул билан англашга уйғунлашмас, Навоий сингари

*Хар лаҳза кўнгул гаминда маҳзун бўладур,
Маҳзунлиги лаҳза-лаҳза афзун бўладур.
Савдо анга юз ончаки,
Мажнун бўладур,
Юз мунча десам, ҳам неажаб чун бўладур.*

дахо санъаткорларнинг қалб, юрак, рух, басират, латоиф ва кўнгулга тегишли фикрларини тўғри қабул қилиб бўлмаганидек, талқинлар ҳам нотўғри ё савз бўлади.

Шу маънода мумотоз шоирларнинг мана бундай сўзларини инобатга олмақ шартдир:

*Аҳли ҳолига, аҳли хол шеъри берур завку сафо,
Аҳли зоҳир сўзини хол аҳли бухрон айламас.
Шуаронинг диллари ҳақнинг ҳазинаси эмаш,
Лок муқаллид сўзлари ушшоқни ҳайрон айламас.
Аҳли ҳолининг қалбига илҳом берур шеъру Худо,
Аҳли зоҳир сўзлари иршоиди ифрон айламас...*

Хуллас, Навоийдек ўз холига ўзи «сарғаштаву ҳайрон» шоирнинг кўнгул таърифидаги гапларини бе-

хато англаш ва талқину таҳлил қилиш, албатта, ботин илми сирларини ўрганишни ҳам талаб этади. Акс тарзда ўзимиз нимани билмасак, ҳаёлга нима келса - шуни Навоийга нисбат бериб юраверамиз. Зеро, илмдаги кўрлик, лақмалик ва ўжарлик жуда ҳавфлидир. Шовқинлик, бефаросатлик, вайсақилиқдан юзага келажак шу ҳавфга ён бермаслик учун Навоийнинг мана бундай сатрлари устида бош қотириш керак:

*Улки маъиндин хабар толпи яна дам урмади,
Англамон аҳли жадал ичра не қилу қол экин?*

— «Хамса» гўё устма-уст кўйилган беш тоғ... Хар пояси бутун бир умрни қамрайди. Навоий

соҳиблари, режиссёрлар бор-ку? Ишонаманки, Баҳодир ака «Садди Исқандарий»ни саҳналашти-

*Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,
Ўз холига сарғаштау ҳайрон мендек,
Ғам кўйида хонумони вайрон мендек,
Яъники, алоҳону аломон мендек.*

риб, бу борадаги чексиз имкониятларини намойиш этадилар. ЎзФАнинг «Тил ва адабиёт» институти бўлими mudiri сифатида бу муаммо бизни ҳеч ўйлатган-



ҳада этишга қодир киночини учратиш қийин. Навоийга бағишлаб ва Навоий асарлари асосида фильмлар яратиш тадорқиқда ўтказилган йилларда неча маротаба қатнашган

азамат ҳамлалар билан ҳаммасы бўлиб икки-уч йил ичида бу тоғ-

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри берафтод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас.*

нинг чўққисига чиқди». Ойбек ҳазратлари эътироф этганларидек, Алишер Навоийнинг «Хамса»си улкан тафаккур уммони, бетакорр фикр ва гўзал инсоний туйғулар қомуси. Ана шундай ул-

ми? — Нега ўйламайин - ўйлаганман. Баҳодир ақанинг ўзи тўғрисидаги сўзларимни эшитиб, ажабланишингиз мумкин. Баҳодир Йўлдошев ҳақиқатда беназир санъаткор ва Шахс. Кўнгулдан баъзан қанақа огир кайфият, қандай маҳзун ҳиссиётлар кечмайди дейсиз? Худди шунақа дамларда мен баъзан негадир Баҳодир Йўлдошевни эслаб кетаман. «Шу одам бор-ку», дейман. «Бир тоза ижодий шахсият бундан ортиқ бўлмас», деб ўйлайман. Ҳолбуки, биз тез-тез учрашмаймиз. Гурунглашмаймиз. Бирок Баҳодир ака кўнгул мусоҳиби эканини кейинги вақтларда доимо сезиб, билиб тураман.

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

*Деди: ҳар ишқи қилмиш одамизод
Тафаккур бирла билмиш одамизод.*

*Ўз вужудингга тафаккур айлағил,
Ҳар не истарсен - ўзунгдин истағил.*

*Тутининг баргичалик қимматинг йўқму?
Ипак қуртичалик қимматинг йўқму?*

*Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш!*

*Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилгонча бордур яхшилиғ.*

кан мерос хар биримизга чексиз фахр-ифтихор бағишлайди. Аммо бармоқ билан санарли навоийшунослардан бошқа ҳеч биримиз бу улкан уммондан тўлалигича бахраманд эмасмиз. Ҳолбуки, маънавият ва маърифат гулшани ҳисобланмиш бу улкан асар ёшимиздан қатъий назар барчамизга бирдек ибрат ва ҳикमत мактабидир. Ўқиб тушушни қийин бўлган «Хамса»ни халққа муқаммал етказишнинг бугун йўллари ва имконлари кўп-ку. Масалан, кино санъати (ёки театр) орқали. Ҳиндлар ўзларининг «Мақобҳората» ёки «Рамаяна»дек улкан дostonларини кино қилиб дунёга тарқатганларида, нега энди биз «Хамса»ни кўп серияли фильм сифатида талқин еттолмаймиз. Тўғри, бу фақат киночиларнинг қўлидан келадиган иш эмас, эзгуликка Навоийшунослар, ёзувчилар ташаббус, ҳомийлар саховат кўрсатишлари зарур. Ахир бизда Баҳодир Йўлдошевдек санъат ва адабиётни нозик ҳис этадиган бетакорр истеъдод

*Олмани сунди нигорим - ол!
— деди,
Олма бирла бу кўнгулни ол!
— деди;
Сўрдум эрса олмасининг рангани,
Не сўрарсен? Олма ранги ол!
— деди.*

Хитой халқига хос нима миллий хусусият ва фазилат ёки руҳоний сифатлар бор? Тарихда қайси Хитой ҳукмдори, гўдақлиғидек фарзандига Қуръони каримни ўқитиб, ўргатган, умуман, таълим-тарбия, муомила-муносабат ва маданиятда мусулмончиликини афзал билган - булар ҳақида жиддий мулоҳаза юритиш ҳатто ҳаёлга ҳам келмайди. «Хамса»даги чин, арман, юнон, араб деган сўз ва тушунчалар бир рамздир. Уларни тўппа-тўғри мазмунда қабул қилиш - бу «Хамса» сатрларидан ўзбек ўқувчиси қалбига тошиб келадиган завқни бошқа бир «ўзанга» буриб юборишдай гап. «Хамса», айниқса, «Лисон ут-тайр» дostonи хусусида биз Баҳодир Йўлдошев билан анча гурунглашиб, айрим жумбоқларга жаовол тоғандай бўлганмиз.

Агар ўзи истаган имконият ва эркинликка эришса-ю, «Лайли ва Мажнун»ни Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирса - хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, дoston гуё янгидан тугилди, замонавий асарлардан ҳам ортиқроқ даражада қизиқши уйғотади. Бунга сабаб нима? Аввало, дид ва савиянинг юксаклиги. Энг муҳими эса том маънодаги ишқ - жунун ҳиссиётининг Баҳодир акага бегона эмаслиги.

Улкан талантни қучоқ очиб қутиб олиш ҳам, хар қандай вазиятда уни асраб-авайлаш ҳам, бор куч-ғайрати ила унинг ижод қилишини таъминлаш ҳам оддий ва осон иш эмас. Ва бу ишни қойиллата билган миллатга хар қанча ҳавас ила қараса арзийди. Навоий бобомиз ўнлаб олимю адиб, шоиру фузалоларни ўз ҳимояларига олиб, ҳиммат, саховат, меҳру муҳаббат қўли билан бошини силамаганларида биз бугун уларнинг бебаҳо асарлари нари турсин - номларини ҳам билмаслигимиз мумкин эди.

Энди киночилар билан навоийшунослар ҳамкорлигига келсак, Навоий китобларини кўнгул кўзи ила ўқиб, тушунадиган ва яйраб мушо-

*Кўз бирла қошинг яхши,
қабобинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши,
дудогинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши,
сақоқинг яхши,
Бир-бир не дейинг боштин-аёғинг яхши.*

бўлсам, ишонсизлик хар гал олдиндан ортган. Бугун ўзбек киноси анча яхшиланиб, миллий рух ўзини кўрсатаётир. «Хамса»га илҳосманд режиссёрлар балким топилиб қолар.

— «Хидоят эгаси, шараф ва ҳурматнинг қайтиш жойи, дину давлат эгаларининг сараси, мулку миллат эгаларининг етакчиси, хайри-эхсонларни таъсис етувчи, хайру эҳсон муассасаларига раванқ берувчи, салтанат устуни, подшоҳларни қўлидан етакловчи, ҳокон давлатининг умиди, султон ҳазратларининг дўсти, ҳақиқат ва дин низоми амир Алишерга...» Хусайн Бойқаро Навоийга йўллаган мактубларини ҳаммиша ана шундай бошлаган экан. Содик дўсти эътироф этгандек, Навоий уни ҳаммиша эзгуликка бошлаган. Шоирнинг ўзи ёзиб қолдирганидек: «Қўлимдан келгунча зулм тингани қайтариб, бечораларнинг жароҳатига малҳам қўйдим. Қўлимдан келганини Хусайн Бойқародан илтимос қилдим».

Айтинг-чи, бу икки зотни бир-бирига ҳамқорр ҳамфикр қилган нарса Навоийдаги ақл-тафаккурми ёки Хусайн Бойқародаги яхшиликка интилиш, дўстга садоқатми? Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Навоий дўсти Хусайн Бойқаросиз ҳам буюк шоир ва давлат арбоби бўла олармиди?

— Инсоният тарихида шундай бир саодатбахш воқеа-ҳодисалар бўлдики, улардан бирини иккинчисидан ажратиб баҳолаш қийинчилик тугдирди.

Бойқаро ва Навоийнинг болаликдан дўст тутишини, салтанат, халқ, илм-фан, маданият ва санъат ишларида ҳамқорр ҳамнафас бўлишлари ана шундай ҳодисалардан эди. Навоий бўлмаса - Бойқарога бўлак бир шоир, Бойқаро бўлмаса - Навоийга ўзга бир ҳукмдор топиларди, дейлик. Унда нима бўларди? Бириси - бошқа шоир, иккинчиси эса тоху тахт гавғоларидан боши чиқмаган бошқа подшоҳ ўлароқ тарихда из қолдирарди. Бундан, албатта, юрт ва миллат ютказарди. «Шарафнома» номли китоб муаллифи, тарихчи Шарафхон Бидлисийнинг ёзишича, Хусайн Бойқаро олимларга шахсан

ўзи ҳомийлик қилган, толиби илмларни хар жиҳатдан қўллаб-қувватлаган, ҳиротнинг Хийбон мавзёида улар учун курдирган мадраса ва саройларга тенг келадигани Эрон ва Туронда ҳам топилмаган. Ҳиротдаги ўн икки минг талаба, шоир, таттоот ва бошқа соҳа вакиллари амир, вазир ва давлат ҳисобидан маблағ билан таъминланиб турилган. Энди Мирзо Бобурнинг «Аҳли фазл ва аҳли хунарға Алишербекча мурабий ва муқаввий (мададор, ҳомий) маълум эмаским, харгиз пайдо бўлмиш бўлғай», - деган гапларини эслайлик. Подшоҳ маърифатпарвар, боз устига шеър, шоир, адабиёт қадри-қимматини тушунадиган қалам соҳиб; энг яқин мусоҳиби, вазири аъзам, илм, адабиёт, санъат, хунар аҳлидан мол-давлатни сира аямайдиган буюк, мутафаккир ижодкор -

*Эл қочса бировдин эл ёмони бил оми,
Аҳволида идбор нишони бил оми,
Феъл ичра улус байлойи жони бил оми,
Олам элининг ёмон ёмони бил оми.*

нега мамлакатда тафаккур ва маърифат нури барқ урмасин? Нега олим - илмга, ижодкор - адабиётга, зиёли - ҳақиқатга қўл силтасин?

Тўғри, кўнгли истаган эркинлик ва хотирхамликни Навоий саройдан топмаган. Бойқаро билан муносабатлари ҳам доимо рисоладагидек бўлмаган. Лекин на сарой муҳити, на Хусайн Бойқаро табиатидаги ғалати ўзгариш ва салбий тебранишлар Навоийни адл ва инсоф, ҳақиқат ва ростлик, шафқат ва муруват йўлидан асло қалғата олмаган. Чунки Навоийда инсонийлик гурури шоирлик викрои билан тўла равишда уйғунлашган эди. У инсоннинг ўзи сингари махлуқ - иккинчи бир инсонга малайлик қилиш, қуллуққа қўл қовуштириш ва хушомад айлашга бутунлай қарши эди:

*Кимки махлуқ хизматига қамар Чуст этар - яхшироқ ушалса бели.
Қўл қовуштургунча бу авлодур,
Ки анинг чиқса эғни, синис илми.
Чун хушомад демекни бошласа кош,
Ким тутулса дами, кесилса тили.*

Шеърдан кўра қарғишга ўхшаб қолган бу сўзлар бел букиб - таъзимчиликка, шакарғурторлик этиб - хушомадга ривож берувчилардан Навоийнинг нақадар жирканганини аниқ ва равшан кўрсатиб турибди.

— **Машҳур муаррих Хондамир «...Унинг (Навоийнинг) эҳсонидан бир қатрасини ерга тўқсалар, лола ўрнига хар зарра тупроқдан Жамшид жоми уни чқар эди», деб ёзиб қолдирган.** Ҳақиқатдан ҳам зоҳирдан ва ботинан пок бўлиб, эзгулик учун яшаш Навоийнинг умр мезони ҳисобланган. «Ҳомийлар ва шифокорлар» йилида улуг зотнинг қайси фазилат ва ўғитларини муштарийлар эътиборига ҳавола этган бўлардингиз?

— Навоийни ўқиб-ўрганиб мен атроф-муҳитга қарайман, воқелиқдаги хар турли ҳодисотларни кўзатиб - Навоий асарларини ўқийман. Навоийнинг шоирлик, мутафаккирлик ҳолини мушоҳада қилиб, баъзан уни бугунги шоир ё адибнинг ҳолига қийёслайман. Ана шунда Навоийни мен идеаллаштирмаймайман, замин фарзандига унча со бўлмаган аллақандай фазилатларни Навоийга нисбат бераётганим йўқми, деган бир иштибоҳ ҳам пайдо бўлади. Яна ҳазратнинг китобларини кўлга олам. Айниқса, шеърларини, у ёки бу шеър бағрида чарақлаб ётган шох байтларни қайта-қайта нигоҳдан ўтказаман. Навоий бир байтида:

*Мени киши демаса эл малул нечун ўлай,
Киши ҳисобида мен ҳам ўзимни чун санамон,
— деганида, табиати беҳад бўш, эрлик лафзидан бенасиб зотларга ҳам муносабатини билдирган. Шунинг учун ҳомий деган киши, энг аввало, мардлик, тўғрилик, камтарлик, фидоийлик, холислик - бир сўз билан айтганда, ИНСОНЛИК шарти ва талабларига, хар қалай риоя қила бўлиши керак. Акс ҳолда бир пасткаш, қаллоб, ўғри ва риёкор пұлдорнинг «химмат»и сал-пал ўзини таниган, умри халол лўмака ейиш билан ўтган хар қандай одамга малол келади - сирдан у хурсанд бўлиб қўриinsa-да, ичдан зил кетади, ўқислик устига ўқислик, армон устига армон минади. Навоий шуларни ҳам назарда тутиб:*

*Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағил,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағил,
— деган. Аслида-ку мен муштарийлар эътиборига Навоийнинг:*

*Тамаш этма, кўп ўлса эл мол,
Қўрмайин Ҳақ ҳазинасини хол -*

сўзларини ҳавола қилган бўлардим. Модомки, ҳомийликка эҳтиёж, ҳиммат ва саховат соҳибларига муҳтожлик бор экан, мутафаккир шоирнинг қуйидаги сўзларига амал қилинганни мақбул деб ўйлайман: *Фуруват барча бермақдур, емак йўқ,
Футуват барча қилмақдур, демек йўқ.*

Сухбатдош: Амина КОДИРОВА, «Ишонч» мўхбири

«Турин-2006»

ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

10 феврал куни XX Қишки Олимпиада ўйинлари машъаласи ёқилади

Олимпиада ўйинлари нуфузи жихатидан дунёдаги энг йирик спорт тадбири сифатида тан олинган. Бу ўйинлар дунё халқларининг биродарлашувига, дўстлик ва тинчлик ҳолатига хизмат қилиши, минг йиллик тарихга эга эканлиги билан ҳам гоёт қадрли ҳисобланади.

Шу йилнинг 10 февралдан 26 февралгача Италиянинг Турин шаҳрида XX Қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Мусобақалар спортнинг етти тури бўйича ўтказилади.

Шу ўринда очилиш маросими ҳақида бир оз тўхталиб ўтсак. Ташкилотчилар уни муҳлислар қалбида бир умрга ёдда қолдириш мақсадида катта тайёргарлик ишларини олиб борадилар. **ТЕЗЛИК, ҲИС-ТҮЙҒУ** ва **РИТМ** - асосий шор қилиб олинган. «Турин-2006» очилиш маросимини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида кўплаб мутахассислар тер тўқдилар. Улар орасида либосчилар, музикчилар, ди-зайнер ва хореографлар, кўнгилчилар меҳнати самарали бўлди. Маросимнинг энг юқори нуқтаси сифатида «Ҳис-туйғу учқунлари» фигурали учуш гуруҳининг чиқишини кўриш мумкин. Саккиз нафар спортчининг конькида соатига 50 км тезлик билан сақизта оловни ўйнатиб ўтиши ҳамда замонавий технологиялар ёрдамида 2 метрлик оловни из қолдириши очилиш маросимининг энг томошабоб кўриниши бўлади. Турин олимпиадасида тўрт минг нафар спортчи, мураббий ҳамда расмий делегация аъзолари қатнашади. Мусобақаларнинг бооришини дунёнинг 9 минг нафар оммавий ахборот воситалари хо-

димлари ёритиб боради. Ушбу мусобақаларни бир йўла икки миллиарддан зиёд муҳлислар томоша қилади.

Кези келганда, мустақил Ўзбекистон спортчиларининг қишки олимпиада ўйинларида иштироки тарихига тўхтал-



сак. Жамоамиз илк марта Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида ўтказилган XVII қишки олимпиада ўйинларида икки дастур - фристайл ва фигурали учуш бўйича иштирок этган. Ушундан истеъдодли фристайлчи Лина Черязова жуда юқоқ маҳорат кўрсатиб, барчани ҳайратда қолдириб, чанги акробатикаси бўйича олимпиада олтин медалини кўлга киритганди.

1998 йил Япониянинг Нагано шаҳрида ўтган XVIII қишки олимпиада ўйинларида учта спорт тури бўйича тўрт нафар спортчимиз баҳсларда иштирок этди. Энг юқори натижани фигурали учуш бўйича Татьяна Малюгина кўлга киритди. У 22 мамлакат вакиллари орасида сақизинчи


ўринни эгаллади. Ва ниҳоят, 2002 йил АКШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида бўлиб ўтган XIX қишки олимпиада ўйинларида 6 нафар спортчимиз - Комил Уринбоев, Эльмира Уринбоева, Татьяна Малюгина, Роман Скворняков, Наталья Понамарева ҳамда Евгений Свиридовлар ўз имкониятларини имтиҳондан ўтказиш шарафига муяссар бўлдилар.

Бу галги олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини тўрт нафар спортчи ҳимоя қилади. Фигурали учуш бўйича Артём Князев ҳамда Марина Аганина жуфтлиги, яққалик баҳсларида эса Анастасия Гимазетдинова, тоғ чангиси бўйича Қайрат Эрметовлар ўшбу нуфузли мусобақада иштирокчилар бўлишди.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимиз спорт делегацияси куни кеча Турин шаҳрига учиб кетган. Сўнгги тайёргарлик машғулотларини Москвада ўтказган Артём Князев, Марина Аганина ва Анастасия Гимазетдиновалар Италияга Россия пойтахтидан йўл олган. Тоғ чангисчи Қайрат Эрметов тайёргарликни Чимён тоғ-чанги комплексида ўтказиб, пойтахтимиздан олимпия ўйинлари манзилига йўл олди. Олимпия ўйинлари тарихида илк марта Ўзбекистонлик Евгений Рохин конькида учуш мусобақаларида ҳакамлик қилади.

Ушбу нуфузли мусобақада спортчиларимизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ишонч» муҳбири



ТИББӢЙ МУОЛАЖА ХОНАСИ

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг вилоят филиали томонидан ходимларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш бўйича тиббий муолажа хонасини ташкил этганлиги кўпчиликнинг кўнгилдаги иш бўлди.

— Жамоамизда 1060 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади, — дейди кадрлар бўлими бошлиғи Раёно Қиличева. — Уларнинг 318 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Яқинда маъмурият ҳамда тармоқ касабая уюшма кўмиталари билан

келишилган ҳолда тиббий муолажа хонаси иш бошлади.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 2 миллион 550 минг сўм филиал томонидан ажратилган бўлса, тармоқ касабая уюшмаси томонидан 400 минг

сўмлик жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти саноати ҳам тахсинга лойиқ 950 минг сўмлик тиббий ускуналар жамият маблағлари ҳисобидан олиб берилди.

Бу ерда ходимларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун сарфланган харажатлар маъмурият ҳамда касабая уюшмаси томонидан қопланмоқда.

ларда хизмат қилаётган ходимлар саломатлигини доимо назорат қилиб бориш мақсадида улар йилга икки марта тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Бундан ташқари, бу ерда муолажалар сифатини янада яхшилаб, тармоқни кенгайтириш устида иш олиб борилаётган.

НУРБЕК
Суратларда: муолажа хонаси иш фаолиятдан лавҳалар.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ОЙЛИГИ

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят кенгашининг тақлифига кўра Наманган вилоятида 1-28 февраль кунлари маънавият ва маърифат ойлиги ўтказилмоқда.

Бундан қўзланган мақсад фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Президентини ва ҳукумати томонидан юритилаётган ички ва ташқи сиёсат билан кенг таништириш, аҳоли, айниқса ёшларда миллий қадриятларга ҳурмат, ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар моҳиятини, миллий истиқлол ғоясини англаш ҳиссини шакллантириш ҳисобланади.

Танлов

Республикамизда 9 та кўриқхона мавжуд. Улардан бири Нурота кўриқхонасидир. Бу ерда Ўзбекистоннинг бетакор табиати муҳофаза қилинади. Биологик хилма-хиллики асраб-авайлаш 1960 йилдан бошланган бўлиб, у Нуротанинг марказий қисмида 36 минг гектар майдонда Қизилқум архарларини қириқиб кетишини сақлаш асосида ташкил қилинган эди. 1975 йили махсус кўриқхонага айлантирилган кўриқхонада тоғликларнинг одатдаги экотизимлари ва уларнинг турлари — архар ва ёнғоқларни муҳофаза қилишга қаратилган. Нурота кўриқхонаси, бу давлат тасарруфидидаги илмий тадқиқот ва табиати муҳофаза қилувчи, давлат бюджетидан молиялаштирилган ташкилотдир.

АЛИШЕР — ТАБИАТ ШАЙДОСИ

Тоғ олди текисликлари ва унинг ёнбағирларида жойлашган Қизилқум саҳросида қорақўлчилик ривожлангани боис яйловлар қамийиб кетмоқда. Айдарқўлдан эса овчилик ва балиқ овлаш мақсадида фойдаланилаётди. Бу ерда уя қўядиган ва сувда яшайдиган, учиб-қўниб ўтувчи паррандалар учун алоҳида кўриқхона мавжуд. Лекин, сир эмаски, маҳаллий аҳоли томонидан дархат ва бутазорларнинг ўтин учун кесиб олиниши атроф-муҳитта салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса биологик хилма-хиллигини бузилишига олиб келиши мумкин.



Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва Глобал экологик жамғармасининг «Ўзбекистонда биохилма-хиллигини сақлаш модели сифатида Нурота-Қизилқум биосфера резерватининг яратилиши» лойиҳаси микёсида «Экологик таълим ва жамият фикрини шакллантириш» қўшма лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳага биноан Халқ таълими вазирлиги, Тараққиёт дастури ва Глобал экологик жамғармаси ҳамда Ўзбекистон телерадиокорпорациясининг Ўзбекистон радиоси билан ҳамкорликда «Нурота давлат кўриқхонасининг сирлари»

танлови бўлиб ўтди. Танловда республикамизнинг барча вилоятларидадан вакиллари иштирок этдиб, Ўзбекистонда экологик таълим ва жамият фикрини шакллантириш ғоялари илгари сурилди. Танлов шарҳлари кўра Навоий вилояти Нурота шаҳри биринчи, Қорақалпоғистон Республикаси иккинчи ҳамда Жиззах вилояти Дўстлик тумани учинчи ўринларга сазовор бўлишди.

Ушбу танловнинг учинчи ўрин соҳиби Алишер Алмурад Дўстлик туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфи ўқувчиси. У ёшлиғидан табиат шайдоси, тенгшодлари билан биргаликда мактабдаги «Табиат сирлари» тўғралигида катта иш, табиат сирсини ошатирилган кўнл билан ўра-

кўчайтирмоқда. Унинг табиати асраш мавзусидаги ишлари, чизган суратлари, ёзган шеърлари мактаб, туман ва вилоят танловларида фахрли ўринларини олиб келмоқда.

Танлов ғолиби Алишерни доимо табиат қўйида учратасиз. У истиқомат қилаётган «Мевазор» кишлоқ фуқаролар йиғини худуди асосан богдорчилик ва қўччиликка ихтисослаштирилган. Шундан бўлса керак, у дарсдан бундай пайтларида бог оролади. Богборлардек ниҳоллар билан сирлаша олади. Унинг истаги юртимизда богроғларни кўпайтириб, халққимизга хизмат қилиш.

Б.НОРУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири

Спорт оламида



Футбол

АРИЕН «ОСКАР»ГА ЛОЙИҚ...МИ?

Муҳлислар хойнаҳой ажабланиётган бўлишича керак: кино қаёқдаю, футбол қаёқда деб. Бу ибора шунчаки «Ливерпул» дарвозабони Пепе Рейнага тегишли. У, маълумки, Англия чемпионатининг энг муросасиз учрашувларидан бири — «Челси»-«Ливерпул» ўртасидаги баҳсда ҳамкам томонидан қизил қарточка кўрсатилиб, майдондан четлаштирилган эди. Энди эса у оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида шундай деган: «Мен Гудьенсен билан тўқнашув пайтида қондан бузмам ва бунинг учун ҳақли равишда сарф қарточкага лойиқ эдим. Мен ҳакам томон бораётганидан Роббен йўлимни тўсиб чиқди ва кўпол равишда ҳақорат қилди. Мен чидай олмадим ва уни уриб юбордим. Аммо ўликдек қўзилиб қоладим даражада қаттиқ урмаганим. Ариен ёлғонни маромига этказиб, «Оскар» мукофотиغا арзийдиган иш қилди.

Бунга жавобан А.Роббен ўзи ва Рейна вакиллари ўртасидаги фарқни ҳисобга олишни маслаҳат бериб, зарбадан сўнг анча вақт ўзига келолмаганини тушунтириб ўтди.

Бокс

КИЧИК КЛИЧКО ҚАЙТМОҚДА

Ака-ука Кличколарнинг бокс билан хайрлашганлиги тўғрисида хўп ва кўп гапирилди. Энди эса... Новост ахборот агентлигининг хабарига қараганда, 22 апрелда IBF йўналиши бўйича оғир вазни жаҳон чемпиони бўлиб турган америкалик Крис Берд ва украинлик Владимир Кличко ўртасида олтин камар учун жанг бўлиб ўтади.

Жанг Германиянинг Мангейм шаҳрида ўтказилиши белгиланганлиги маълум қилинди. 35 ёшли Берд 2000 йилда WBA йўналиши бўйича бўлган жангда юз берган мағлубият аламини олишга иштиёқман эканлигини яширмапти. Ушундан бунён Берд тўққизта учрашув ўтказиб, барчасида галаба қозongan, жаҳон чемпиони бўлган ва бу унвонни тўрт марта муваффақиятли ҳимоя қилган бўлса, Кличколарнинг кичиги омадсизликка учраб келаётди. Хусусан, 2003 йилда жанубий африкалик Корри Сандерсга ҳамда бир йил кейин америкалик Уеймон Брюстерга жанги бой берган.

Кўрамыз, бу гал қандай ҳол юз беракин?

ВАЛУЕВ СУДДА ЖАВОБ БERAДИ

WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Николай Валув ва Санкт-Петербург шаҳридаги «Спартак» спорт мажмуи қоровули ўртасида кенган моҳар аччиқ ичакдек қўзилиб, ниҳоят судга оширилди. Агар чиндан-да ушбу моҳаро юзасидан жиноят иши кўзга тилса, Валувнинг хатти-харакати касддан саломатликка ёнгли жароҳат этказганлик тўғрисидаги модда билан

таснифланади.

Лекин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакилларининг қайд этишича, Валувга қарши жиноят иши очилиши учун деярли сабаб йўқ.

Шахмат

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР

Кеча Москвада анъанавий «Аерoflot Орен» халқаро турнири бошланди. Бу галги турнирни хатто юбилейга хос деб аташ мумкин. Чунки у бешинчи марта ўтказилмоқда.

Ушбу турнирнинг мукофот жамғармаси 175 минг АКШ долларини ташкил этади. Бош соврин эгаси 30 минг, иккинчи ўрин соҳиби 17 минг, учинчи ўринни эгаллаган иштирокчига 10 минг доллар тегади.

Мукофотлар кимларга насиб этади. Усмилрон ўртасида икки қарра жаҳон чемпиони Шаҳриёр Мамедёроғамма ёки истеъдодли гроссмейстер Владимир Акотьянгами ёки Россия чемпиони суперперналли ғолиби Дмитрий Яковенкогами? Ҳозирча бир нарсая дейиш қўйин.

Стол устида хоккей

ГОЛИБ — МЕҲМОН

Кўпчилик спортнинг шундай тури борлигини билмасча ҳам керак. Лекин швейцарияликлар учун у қарийб миллий спорт турига айланган. Ва эҳтимолки, худди шунинг учун ҳам шу пайтгача ўтказилган барча халқаро мусобақаларда уларнинг қўли баланб қолган.

Ниҳоят, анъана бузилиди. Швейцариянинг Эскюльстун шаҳрида ўтказилган Sweden Masters (SM) Жаҳон турнирининг энг нуфузли босқичида голиблик шоҳуспасига бошқа мамлакат вакили кўтарилди. У россиялик Алексей Захаров эди.

Шундай қилиб 25 йиллик анъанага чек қўйилди.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти худудий бошқармаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимига ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Хоразм вилояти маклериенти орқали 2006 йил 8 февралдан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошлангич баҳоси босқимча-босқич пайсий механизми қўлланилаётган, яъни 2 синф бўйича ҳар 10 савдо сессиясида бошлангич баҳосига нисбатан 5 фозга пасаядиган кўйидаги давлат улуши қўйилганлигини маълум қиламиз.

Манзилимиз: Урганч шаҳри, Й.Бобононов кўчаси, 23-уй. РКМБ Хоразм вилояти филиали. Телефонлар: 8 (36222) 6-43-64. Факс 8 (36222) 6-32-63

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! «Respublika Ko'chmas mulk birjasining Toshkent shahar filiali»

Сизларни ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига таклиф қилади. Биржа савдоларига 2006 йил 8 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан савдоларга бошлангич нархи босқимча-босқич пасаяй механизми қўлланилаётган лекин (қолдиқ баланси) қийматида паст бўлмаган ҳолда кўйидаги давлат объекти қўйилмоқда: Ташкент шаҳар ҳокимияти Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментига қарашли, Ташкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уйда жойлашган «ROYTAUX TAMINOT» давлат унитар корхонаси.

Бошлангич нархи — 53 555 355 сўм. Ушбу давлат объектининг эгаси бўлишни истасангиз, биржа савдоларида рўйхатдан ўтган малакали брокерлар Сизнинг хизматингизда бўлади.

Мурожаат учун манзил: Ташкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35 ва 45-хоналар. Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, 144-44-72, 144-44-73

БОЛАЛАР ДОНА СУРГАНДА

Пойтахтимизда 10 ёшгача бўлган ўғил болалар ва қизлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон биринчилиги яқунланди.

Ўғил болалар ўртасидаги беллашувларда эллик нафарга яқин шахматчи голиблик учун ўзаро куч синнашди. 8 очко жамғарган Ташкент вилояти вакили Алишер Бекмуродов мамлакат биринчилиги ғолиби деган шарафли номга сазовор бўлди. Кейинги ўринлар 7,5 очко тўплаган бухоролик Қосим Алиев ҳамда 6,5 тадан оқо эгаси - пойтахтлик шахматчилар - Искандар Орипов, Илья Димитров ва Олег Артеменкога насиб қилди.

(ЎЗА)

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босялди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18996 Буюртма Г— 414

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Ташкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 01.40